



**Ишлаб чиқаришдаги
бахтсиз ҳодисани текшириб,
таҳлил этишга оид**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАВСИЯЛАРИ

ZARVARAQ NASHRIYOTI
Тошкент – 2021

УЎК 331.4(083.13)

КБК 65.271

И 95

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириб, таҳлил этишга оид касаба уюшмалари тавсиялари / Нодира Каримова. - Т.: Zarvaraq nashriyoti, 2021. - 64 бет.

Ушбу тавсиялар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси **Рафиков Қудратилла Мирсагатович**нинг умумий таҳрири остида тайёрланди.

Тузувчи муаллиф: Каримова Нодира Баходиржановна

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Мавлудахон Исламовна Ходжаева – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Бахтиёр Вахабович Гулямов – Саноат хавфсизлиги Давлат қўмитаси раиси

Хамидулла Рахматуллаевич Премкулов – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Юридик бўлими мудир

Қудратилла Асатиллаевич Одинаев – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат Меҳнат инспекцияси бошлиғи - Бош Давлат меҳнат инспектори

Қўлингиздаги тавсиялар касаба уюшмаларининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишида муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

Тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид қонун ҳужжатлари, соҳага оид адабиётлар ва Интернет маълумотларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳуқуқшунослар, ташкилотнинг раҳбар ходимлари ва бошқа мансабдор шахслари, меҳнат муносабатлари соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар, касаба уюшмалари фаоллари, талабалар ва мазкур соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси

ISBN 978-9943-7232-2-1

© Zarvaraq nashriyoti, 2021

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАНИ ТЕКШИРИБ, ТАҲЛИЛ ЭТИШГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ТАВСИЯЛАРИ

Ходим учун адолатли, яъни соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид қонун ҳужжатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилар экан, ташкилотнинг локал ҳужжатлари ҳамда ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасида меҳнат муҳофазаси масалалари белгиланган нормалардан паст бўлишига, ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ҳолатини қонун ҳужжатларида белгиланганидан ёмонлаштирилишига олиб келмаслиги лозим.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик нафақат яхши ва соғлом меҳнат шароитлари, балки, ишлаб чиқариш билан боғлиқ жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, меҳнат шароитларини янада яхшилашни, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар юз берган тақдирда эса унинг сабабларини аниқлаш ва хавф-хатарни бартараф этиш ҳамда жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплашни ҳам назарда тутади. Мазкур вазифа ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишга оид нормалар орқали таъминланади.

Ишлаб чиқариш объектлари (асбоб-ускуна, жиҳозлар, дастгоҳ, техника қурилмалари) мавжуд бўлган жойда бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин. Меҳнат қонунчилиги шундай ҳар бир ҳолатни аниқлаш, тегишли идораларни хабардор этиш ва махсус текширишнинг қатъий талабларини белгилаб қўйган. Бунда, иш берувчи қонун ҳужжатлари талабларини қай даражада тўғри ва аниқ бажаришини, ходимлар манфаатини кўзлашинигина эмас, балки иш берувчининг ушбу масала

юзасидан масъулятини ошириш зарурлигини ҳам кўзда тутилган.

Бахтсиз ҳодисани текшириш – бу, аввало ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз беришига олиб келган сабабларни аниқлаш, бахтсиз ҳодисани ҳисобга олиш – ҳар бир ҳодисанинг ҳаққоний ҳужжатларда қайд этилиши билан боғлиқ.



Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни аниқлаб, қайд этиш ва махсус текшириш талабларининг қонун ҳужжатларида белгиланиши.



Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом” ҳамда 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари” ва бошқа қонун ости ҳужжатларда назарда тутилган.

Бундан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари томонидан 1994 йил 9 декабрда Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув имзоланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида 1995 йил

12 октябрдан амалга киритилган. Мазкур ҳужжатда меҳнат муҳофазаси борасида МДХ давлатлари ҳамкорлиги назарда тутилган бўлиб, Келишувнинг 2-модда, 1-қисм, 6-бандида бевосита ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш меҳнат муҳофазасини таъминлашдаги йўналишлардан бири сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларига оид нормаларни қайд этар экан, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда саломатлигига зарар етганда, қонунчиликда белгиланган кафолат ва товон (компенсация) тўланишини амалга оширишни **(МК, 212, 222, 218, 282, 284, 285, 288, 290, 291, 292, 294-моддалар)** ҳам белгилаб қўйган.

*Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига, шунингдек, маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек, иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиғи ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт **(МК, 212-модда)**.*

*Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт. Жабрланувчининг талабига биноан текширув тугаган кундан эътиборан узоғи билан уч кун ичида иш берувчи шу бахтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт **(МК, 222-модда)**.*

Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг ро-

зилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариши омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кунидан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиги шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади.

Қонун ҳужжатларида соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариши омилларининг таъсирини холи этадиган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда аввалги ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолишининг ёки давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўлаб туришининг бошқача ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин (МК, 218-модда).

Барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинишлари лозим (МК, 282-модда).

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

– вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;

– бола туғилганда бериладиган нафақалар;

– давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

➔ *(Қаранг: АВ томонидан 2002 йилнинг 8 майида 1136-сон билан рўйхатга олинган, МАИМҚВ Буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-банди)*

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади (МК, 284-модда).

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлинганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушида жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парварishi қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдоридан, бошқа ҳолларда эса, ходимнинг давлат ижти-

мой суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамогидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтимши фоизидан юз фоизигача миқдорда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим (**МК, 285-модда**).

➤ (Қаранг: АВ томонидан 2002 йилнинг 8 майида 1136-сон билан рўйхатга олинган, МАИМКВ Буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2, 3, 5-§§, 5, 93-103, 107-110-бандлари).

Суғурта қилинган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган миқдор ва тартибда дафн этиши маросими учун нафақа тўланади (**МК, 288-модда**).

➤ (Қаранг: АВ томонидан 2002 йилнинг 8 майида 1136-сон билан рўйхатга олинган, МАИМКВ Буйруғи билан тасдиқланган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-§, 5, 93, 106-бандлари).

Ногиронлик пенсияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган, суғурта қилинган ходимларга:

– меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигига чалинганлиги туфайли - меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар;

– бошқа сабаблар туфайли - муддати суғурта қилинган ходимнинг ногиронлик рўй берган вақтдаги ёшига боғлиқ тегишли умумий меҳнат стажига эга бўлган тақдирда тайинланади (**МК 290-модда**).

➤ (Қаранг: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг III, V-VII боблари).

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги туфайли вафот этган боқувчининг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига, унинг меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар тайинланади, агар у бошқа сабаблар натижасида вафот этган бўлса, шунга мувофиқ келадиган умумий меҳнат стажига қараб тайинланади, бундай меҳнат стажининг муддати суғурта қилинган ходимнинг вафот этган кунига қадар бўлган ёшига боғлиқ бўлади (**МК, 291-модда**).

➤ (Қаранг: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг IV, V-VII боблари).

Турли хилдаги давлат пенсияларини олиши ҳуқуқига эга бўлган суғурта қилинган ходимларга (боқувчисини йўқотган ҳолларда эса - уларнинг оила аъзоларига) уларнинг ўзлари танлаган пенсиянинг битта тури тайинланади (**МК, 292-модда**).

➤ (Қаранг: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси).

Давлат пенсияларини тайинлаш, ҳисоблаб чиқариши ва тўлаш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади (**МК, 294-модда**).

➤ (Қаранг: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг V- IX боблари).

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиши тўғрисида”ги қонунининг 26-моддасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириши ҳамда ҳисобга олиши кераклиги белгилаб қўйилган.

«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши, шунингдек, касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ҳамда ҳисобга олинishi шарт.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан ҳам ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши, касб касалликлари белгиланган тартибда тегирилиши ва ҳисобга олинishi шарт».



Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини тегирилиши ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомнинг 2-бандида бахтсиз ҳодисалар қандай ҳолларда тегирилиши ва ҳисобга олинishi белгилаб қўйилган.

Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда (шунингдек, хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунингдек, табиий офатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) туфайли саломатлигининг бошқа хил шикастланишлари;

ўз функционал вазифаларини бажариш юзасидан, шунингдек аварияларнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва корхонанинг мулкани сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги;

ходим хизмат сафарида бўлган ёки ўз функционал вазифаларини бажариш вақтида – йўл-транспорт ҳоди-

сасидаги, темир йўл, ҳаво йўлларидаги, денгиз ва дарё транспортларидаги, электр транспортларидаги ҳодиса натижасидаги;

иш берувчи томонидан буйруқ билан махсус ажратилган уйдан ишга ёки ишдан уйга ходимларни ташиш учун мўлжалланган транспортда, шунингдек, ушбу мақсадлар учун шартнома (буюртма)га мувофиқ ўзга ташкилот транспортларида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;

иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишга рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруғи мавжуд бўлгандаги;

иш берувчининг топшириғини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек, меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш объектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги;

тадбирларнинг ўтказилиши ёки ишлар бажарилиши жойидан қатъи назар, шанбалик (якшанбалик), фуқаро муҳофафаси бўйича ўқув машғулотлари, кўнгилли ёнғин муҳофафаси мусобақалари ўтказилаётгандаги, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, иш берувчининг ёзма фармойиши бўйича корхона томонидан оталиқ ёрдами кўрсатилаётгандаги;

ички ишлар органларининг маълумотлари асосида иш вақтида меҳнат вазифаларини бажараётганда бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги;

сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги вахта шаҳарчаси ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги (*кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, денгиз ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта-экспедиция усулида ишлаётганлар ва бошқалар*) бахтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

Қайси бахтсиз ҳодисалар текширилмайди ва ҳисобга олинмайди?



Табиий ўлим

ўзини ўзи ўлдириш

жабрланувчининг ўз саломатлигига қасддан шикаст етказиши

жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиши ҳолатлари (*суд-тиббий экспертиза хулосаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра*)

Бахтсиз ҳодиса содир бўлганда:

Меҳнат қонунчилиги ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисадаги иш берувчининг ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилаб қўйган (*МК, 212, 222-модда, В/М Қ-286, 06.06.1997й.*), яъни:

➤ жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши (“тез ёрдам” чақириши);

➤ авария ёки фавқулодда вазиятларда ва инсонларга хавф туғдирувчи, жароҳатловчи ҳолатларни олдини олиш чораларини зудлик билан кўриши;

➤ текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (*агар*

бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом” талабларига асосан, гуруҳий ёки ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчи дарҳол схемага биноан ваколатли органларга хабар бериши;

➤ ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчининг қариндошларига хабар бериши;

➤ бахтсиз ҳодисани текшириш комиссияси таркибини тузиши;

➤ бахтсиз ҳодисани текширишни ўтказиши;


➤ ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса далолатномасини тузиши;

➤ ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса рўйхатга олиш журналида бахтсиз ҳодисани қайд этиши;

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига асосан, бахтсиз ҳодисани текшириш далолатномаси ва мазкур иш материалларини тегишли органларга юбориши.

Юқорида қайд этилганларни бутун тафсилотлари (ба-тафсил деталлари) билан кўриб чиқамиз.

Қуйидаги бахтсиз ҳодисалар махсус текширилади:



Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

- жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;
- текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (*агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса*) сақлаб қолиши;
- дарҳол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиш.

Гуруҳий ёки ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчи дарҳол схемага биноан қуйидагиларга хабар бериши керак:

- ✓ давлат меҳнат техника инспекторига;
- ✓ юқори турувчи хўжалик органига;

- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, вилоят (Тошкент шаҳар) Бандлик бош бошқармасига;
- ✓ бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига;
- ✓ бахтсиз ҳодисага учраган ходимни юборган ташкилотга;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитасининг маҳаллий органига ва «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий органига (*агар бахтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса*);
- ✓ иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига.



Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани ҳисобга олиш

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-гадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ташкилот томонидан “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани рўйхатга олиш журнали”да ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани рўйхатга олиш журналида хабарномадаги маълумотлар қайд этилиши лозим.

Хабарномага қуйидаги маълумотлар киритилиши керак:

- корхона, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик, хўжалик бошқаруви органи номи;

- ҳодиса юз берган сана, вақт, жой, бажарилаётган иш ва бахтсиз ҳодиса юз бергандаги ҳолатнинг қисқача тавсифи;
- жабрланувчилар, шу жумладан, ҳалок бўлганлар сони, боқимандалар сони;
- жабрланувчи (ҳалок бўлган)нинг фамилияси, исми, ота-сининг исми, ёши, касби, лавозими.
- хабар юборилган сана, вақт хабарни имзолаган шахснинг фамилияси, лавозими.

ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ



Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уни текшириш ҳам ўзига хос ҳаракатларнинг амалга оширилишини талаб қилади.



Текшириш ўтказишнинг асосий вазифалари:



• жароҳатланишга олиб келган ҳолат ва шарт-шароитларни ўрганиш



• воқеа содир бўлишининг техникавий ва ташкилий сабабларини аниқлаш



• бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш сабабларига боғлиқ ҳолда бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг қайтарилмаслиги учун чоратадбирлар ишлаб чиқиш



• ишларни беҳатар олиб бориш қоида ва йўрқномаларининг талабларини таъминламаган ёки бузганлиги натижасида, қилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли ходимнинг меҳнатда жароҳатланишига олиб келган шахсларни ва уларнинг жавобгарлик даражасини аниқлаш



Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш

Воқеа содир бўлган жойни ўз вақтида ва мукаммал кўздан кечириш, бахтсиз ҳодисани текшириш комиссиясига воқеа қандай ҳолатда содир бўлганлигини, қанақа воқеа содир бўлганлигини, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши нималарни келтириб чиқарганлигини ва қандай сабабларга кўра бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ҳолисона аниқлашда ёрдам беради. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин воқеа содир бўлган жойда нима ишлар олиб борилганлиги, воқеа содир бўлган жойга ўзгартиришлар киритилдими, нима мақсадда ўзгартиришлар киритилди, ўзгартиришлар киритилишига нима сабаб бўлди, булар тўғрисида ахборот олиниши лозим.

Кўздан кечириш шундай усулда олиб борилиши лозимки, ҳар бир детал, ҳар бир машина, механизмнинг қисмини кўздан кечириш, кўздан кечирилаётган объектнинг техник ва конструктив ҳолатлари аниқ қайд қилиниши лозим, жумладан:

дастгоҳ машина, механизм ва бошқалар номи, рақами ва қайси мақсадда ишлатилиши; қайси завод томонидан ва қачон ишлаб чиқилгани; қачон, ким томонидан ва қандай таъмирлаш турлари олиб борилгани;

дастгоҳ ва механизмлардан фойдаланиши ҳолати: у соз ҳолатда бўлганми. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида дастгоҳ, механизмнинг ҳар бир қисмининг тuzилиши ҳолатини аниқ кўрсатиб ўтиш лозим.

механизмнинг техник ҳолати: механизмнинг ҳимоя тўсиқлари, тормоз ва бошқа қисмлари соз ҳолатда бўлганми, соз ҳолатда бўлмаса, аниқ носозликлар воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида аниқ кўрсатилиши лозим.

Машина, механизмлар ва бошқа ишлаб чиқариш жиҳозларини ҳимояловчи мосламаларнинг носозлиги – корхонада мавжуд бўлган бошқа машина, механизмлар ва ишлаб чиқа-

риш жиҳозларини ҳам текшириб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

Воқеа содир бўлган жойда ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган бегона болтлар, электр симлари, машина қисмлари ва бошқа бегона предметлар бор-йўқлигига эътиборни қаратиш керак. Бегона предметлар топилганлиги ва уларнинг топилган жойи тўғрисида воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида маълумот бериб кетиш керак.

Бахтсиз ҳодиса содир бўлганда баъзи вақтда бирорта хавфли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш имкони бўлмайди. Фақат воқеа содир бўлган жойни мукаммал кўздан кечириш бахтсиз ҳодиса ҳолатини батафсил аниқлашда ёрдам беради:

йиртилиб кетган иш кийимлари бўлаклари қайси жойда ётибди, иш кийимлари бўлакларида қон излари борми;

агар бахтсиз ҳодиса юқори температура ёки юқори босим таъсирида иш бажариш жойидаги бўлимда содир бўлса, у ҳолда барча ўлчов мосламалари (термометр, манометрлар) давлат назоратидан ўтганлигини, уларнинг созлигини аниқлаш лозим;

воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришда яна қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

иш жойи ҳолати, жумладан машина, механизмлар бир-биридан қандай масофада жойлашган, лойиҳа ҳужжатлари бўйича ўтиш жойлари кенглиги сақланганми, иш жойлари қандай ёритилган, электр симлари қандай осилган, улар қандай уланган, электр симлар қалинлиги қандай;

иш учун иш қуроллари борлиги ва уларнинг сифати;

сигнализация ҳолати, ҳаво алмаштириш мосламалари ҳолати, хавфсизлик техникасини тарғибот қилувчи плакатлар ва хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар билан таъминланганлиги;

воқеа жойини кўздан кечиришни тўлиқ ақс эттириш учун воқеа жойининг чизмаларини чизиш лозим.

Текшириш ҳужжатлари кўпроқ ишончли бўлишини таъ-

минлаш ва жароҳатланишни таҳлил килиш мақсадида, воқеа жойини суратга тушириш мақсадга мувофиқ. Комиссиянинг бахтсиз ҳодиса содир бўлиш сабаблари тўғрисидаги хулосасини ва бахтсиз ҳодиса содир бўлиш шарт-шароитларини акс эттирувчи ҳолатларни суратга тушириш лозим.

Суратлар нафақат комиссия томонидан воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришда баъзи бир ҳолатларга эътибор берилмаганлигини кўрсатади, балки воқеанинг содир бўлишидаги сабабларни ҳам кўрсатиб беради.

Масалан, бир заводда электромонтёр носоз электр ёқувчи-ўчирувчи мосламани таъмирлаётган вақтда ток таъсирида қолиб ҳалок бўлади.

Текшириш жараёнида электр токи мавжуд бўлган симни ерга (заземление) уланмаганлиги маълум бўлиб, ташкилотнинг электр хўжалиги бўйича жавобгар шахслар томонидан қоида ва йўриқномалар бузилганлиги аниқланди. Аммо жавобгар шахслар томонидан барча симлар ерга (заземления) қилинганлиги, ушбу содир бўлган бахтсиз ҳодисада ҳеч қандай айблари йўқлиги тўғрисида кўрсатма беришган. Бу кўрсатмани текшириб кўриш учун, суратларга диққат билан разм солинганда аниқ камчиликлар аниқланган.

Агар захарланиш натижасида оқибати оғир ёки оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар содир бўлган бўлса, комиссия томонидан иш жойидаги ҳаводан анализ олиниши талаб қилинмоғи лозим.

Воқеа жойини кўздан кечириш баённомасига кўра воқеа содир бўлган жойнинг чизмалари чизилиши ва бажарувчилардан ташқари комиссия аъзолари томонидан ҳам имзо қўйилиши керак.

Агар текшириш жараёнида қўшимча равишда қандайдир машина, механизмларни кўздан кечириш зарурияти туғилса, у ҳолда кўздан кечириш натижалари бўйича алоҳида баённома тузилади ёки эксперт комиссияси хулосасига қўшимча қилинади.



Жабрланувчидан, гувоҳлардан ва бошқа шахслардан тушунтириш хатлари олиш ва қўшимча саволлар бериш.

Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса бўйича кимлардан тушунтириш хатлари олиш, кимларга қўшимча саволлар беришни комиссия содир бўлган бахтсиз ҳодиса шароитига, содир бўлган бахтсиз ҳодиса бўйича иш жойига муносабатига ва юклатилаган мажбуриятларга қараб белгилайди.

Жабрланувчидан, гувоҳлардан ва бошқа шахслардан тушунтиришлар комиссия номига ёзма равишда олинади ва берилган қўшимча саволлар баённомада тўлдирилади.

Тушунтириш хати эркин ҳолда содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида аниқ далилларга таянган ҳолда ёзилади.

Агар жабрланувчининг соғлиги тўғри келса, жабрланувчи тушунтириш хатини батафсил воқеа содир бўлгунга қадар тафсилотларни ёзади, агар соғлиги тўғри келмаса, жабрланувчининг сўзидан комиссиянинг бирор аъзоси иштирокида бошқа шахс ёзади. Жабрланувчи ушбу тушунтириш хати унинг сўзларидан ёзилганлигини тасдиқлаб, имзо қўяди.

Тушунтириш хатларида жабрланувчи ва гувоҳлар қуйидагиларни кўрсатиши лозим:

– исми шарифи, отасининг исми, туғилган йили, касби, маълумоти меҳнат қилаётган корхонаси, эгаллаб турган лавозими, яшаш манзили;

– бахтсиз ҳодиса содир бўлгунга қадар бажарган иши, турган жойи (жабарланувчи, гувоҳлар), машина, механизмларнинг жойлашиши, жиҳозлар ҳолати, иш бажарилаётган жиҳоз-ускуналардаги махсус ҳимоя тўсиқлари ҳолати, бахтсиз ҳодиса содир бўлган вақт ва жойи, жабрланувчи бахтсиз ҳодиса бўлгунга қадар ва ундан сўнг ўзини тутиши (*гувоҳлар томонидан ёзилади*), огоҳлантирувчи товушлар бўлганми ва эшитилганми;

Корхона раҳбарлари ва бажарилаётган ишлар бўйича бево-сита раҳбарлар ўз тушунтириш хатларида меҳнатни муҳофа-за қилиш бўйича ўзларига юклатилган мажбуриятлари, ишни беҳатар олиб бориш бўйича бажарган ёки бажариши лозим бўлган ишлари ва меҳнат хавфсизлиги бўйича қоидалар ва йўриқномалар талабларини бажариш бўйича қандай ишлар амалга оширилган, топшириқ бериш тартиби ва уни назорат қилиш, содир бўлган бахтсиз ҳодиса тўғрисида фикрини баён қилмоқлари лозим.

Ҳар бир тушунтириш хати варағи охирида тушунтириш хати берган шахнинг имзоси ва тушунтириш хати ёзилган сана кўрсатилиши керак.

Сўроқ қилиш баённомаси қуйидаги ҳолатларда текшириш комиссияси томонидан тузилади:

- жабрланувчи ёки гувоҳлар томонидан содир бўлган воқеанинг баъзи ҳолатлари кўрсатмай кетилганда;
- тушунтириш хатлар берган шахсларни кўрсатмалари бир-бирига зид бўлганда;
- воқеани содир бўлиш ҳолатларини қўшимча равишда аниқлаш бўйича зарурият вужудга келганда.

Сўроқ баённомасида берилаётган саволлар аниқ бўлиши лозим. Ҳар бир сўроқ баённомаси савол берувчи ва жавоб берувчи томонидан имзоланиши керак. Сўроқлар бериш жараёни жабрланувчилар билан ҳам, гувоҳлар билан ҳам алоҳида-алоҳида ишчи ҳолатда олиб борилиши керак. Шунини ёдда тутиш керакки, биринчи кўрсатмалар доимо ҳақиқатга яқин бўлади.



**Бахтсиз ҳодисада жабрланган шахс ва гу-
воҳлар тўғрисида ахборотлар йиғиш**

Жабрланган шахс тўғрисидаги ахборот куйидаги ҳужжатларга асосан тўпланади:

ходимлар бўлиmidан:

– (ишчи учун) Т-2 шаклдаги шахсий варақасидан;
– (муҳандис, техник ходимлар учун) шахсий ҳужжатлардан маълумотлар олинади: шахс тўғрисида маълумот, касби, лавозими, тўлиқ маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома (гувоҳнома, диплом), меҳнат шартномаси тузилганлиги тўғрисидаги маълумот;

– бажараётган иши бўйича иш стажи, мутахассислик, ўқув маскани ва диплом тўғрисида маълумотлар;

– ишни бехатар олиб бориш бўйича ўқитиш ва мустақил равишда иш олиб боришга рухсат бериш;

– (ишчи учун) ишчини ўз касбига оид ишни хавфсиз олиб бориш бўйича тажрибали ишчига бириктириб қўйиш ҳақидаги иш берувчини фармойиши, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтганлиги тўғрисидаги журнал ва билим савиясини текширилганлиги тўғрисидаги баённома, мустақил иш олиб боришга рухсат этилганлиги тўғрисидаги иш берувчининг фармойиши, ҳар йилги билим савиясини текширилганлиги тўғрисидаги баённома;

– (муҳандис, техник ходимлар учун) меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бўйича махсус тайёргарликдан ўтганлиги тўғрисидаги журнал ва бирламчи ва даврий билим савияларини текширилганлиги тўғрисидаги баённома, ишга мустақил раҳбарлик қилишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги иш берувчининг фармойиши;

– йўриқлар (кириш, бирламчи, қайта ва режадан ташқари) берилганлиги тўғрисидаги журналдаги ёзувлар;

– ишчиларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилганлиги ва билим савиялари текширилганлиги тўғрисидаги баённома;

- иш берувчи билан ходим орасида меҳнат шартномаси тузиш вақтида ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилганлиги;
- тиббий кўриқ хулосаларидан иборат бўлиши лозим.




Ҳужжатларни йиғиш ва ўрганиб чиқиш, керакли нусхалар олиш

Қуйидаги ҳужжатларни йиғиш лозим:

- ходим билан иш берувчи орасида тузилган меҳнат шартномаси ва мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжат;
- меҳнат ҳавфсизлиги бўйича кириш ва иш жойида йўриқлардан ўтказилганлиги тўғрисидаги қайд китоби (керакли маълумотларни юритиш, расмийлаштириш);
- ишлаб чиқариш топшириқларини бериш қайд китоби (ходимга қандай ишни бажариш топширилган, иш жойида ишни бехатар олиб бориш тўғрисида йўриқдан ўтказилганлигини қайд этиш китобидан нусха).



Бахтсиз ҳодисани текшираётган комиссия қуйидагиларни ўрганиши шарт:





Лаборатория синовлари, техник ҳисоблашлар, синовлар, экспертизалар ўтказиш

Лаборатория синовлари, техник ҳисоблашлар, синовлар, экспертизалар ўтказиш қуйидаги ҳолларда вужудга келиши мумкин:

- бахтсиз ҳодисани содир бўлиши сабабини аниқлашда комиссия аъзолари томонидан ҳар хил фикрлар туғилганда;
- техника, технология жараёнлари бўйича махсус билим талаб қилинганда;
- суриштирув органлари талабига биноан.

Эксперт сифатида илмий-тадқиқот институти, лаборатория ва бошқа корхоналар ходимлари таклиф қилиниши мумкин.

Экспертларга аниқ саволлар берилиши ва аниқ топшириқлар қўйилиши керак, жумладан:

- бахтсиз ҳодиса содир бўлишига нима сабаб бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва техник воситалар аҳволи;
- аниқланган камчиликлар жавобгар шахс томонидан бахтсиз ҳодиса содир бўлгунга қадар аниқланиши ва бартараф қилиниши мумкинмиди;
- жабрланувчига қайси зарарли омиллар таъсир қилган ва ҳоказолар.



Содир бўлган бахтсиз ҳодиса баёнини тузиш

Содир бўлган бахтсиз ҳодисани мукамал текшириш ва шароитларни батафсил ўрганиш бахтсиз ҳодисанинг содир бў-

лиш сабабларини аниқлаш ва бундай сабабларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда энгиллик туғдиради.

Бахтсиз ҳодиса шароитларини тўлиқ баён қилмаслик (муҳим ҳолатларга эътибор бермаслик) – бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлашда муаммолар келтириб чиқаради.

Масалан, 2020 йил 20 январда 1-цех ишчилари А. ва В. лар кунлик топшириқларни бажариш мақсадида гильотинли пичоқ билан ишловчи станокда металлни кесиш билан шуғулланишган.

Керакли металл миқдорини олгандан сўнг, Т. металл кесувчи станокнинг олд қисмига ўтган. Шу вақтда иш кийимининг энгини тўғирламоқчи бўлиб, қўлларини бирдан юқорига кўтарган. Қўлларида қўлқоп бўлганлиги сабабли, станокнинг айланishi қисмидаги узаткичга ўнг қўли кириб кетган ва жароҳатланган.

Бу ерда нима камчиликка йўл қўйилган?

Биринчидан, жуда қўп ортикча маълумотлар берилган (вақт, кун, цех, ишчининг касби), иккинчидан, керак эмас ҳолатлар баён қилинган: ишчилар бахтсиз ҳодисага қадар нима ишлар билан шуғулланишган, кўйлакни энги қандай ишчига халақит берган, жабрланувчи қандай ҳаракат қилган. Аммо станокни ҳаракатга келтирувчи узаткични беркитиб турувчи химоя тўсиғи тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Бунга текшириш вақтида асосий эътиборни қаратиш керак эди.

Лекин, бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш шарт-шароитларини қисқача ҳам баён қилиб бўлмайди, чунки бу ҳам бахтсиз ҳодиса содир бўлишининг асосий сабабини аниқлаш имкони ни бермайди.

Масалан, “*Электропайвандчи Ш. детални ўз иш жойига олиб бориши керак эди. Йўлда уни кўзига зирапча тушиди.*” Бундан билиш мумкинки, бахтсиз ҳодиса содир бўлган.

Қаердан ва нима учун Ш.ни кўзига зирапча тушди – бу тўғрисида далолатномада ҳеч нарса кўрсатилмаган. Ҳужжат-

лар таҳлил қилинганда, шу нарса маълум бўлдики, Ш. ўтиб кетаётган ёғочни қайта ишлаш цехидаги станокда чиқиндиларни тортиб олувчи мослама ишламаётганлиги сабабли, ҳа-вода учиб юрган зирапчалардан бири Ш.нинг кўзига кирган.

Баъзи ҳолларда содир бўлган бахтсиз ҳодисани баён қилишда рақамларни, асбоб-ускуналар номини қисқа кўрсатган ҳолда, берилган топшириқ рақамини кўрсатиш ҳоллари мавжудки, бу эса аниқ сабабни аниқлашни эмас, балки тушунмовчиликни келтириб чиқаради.

Масалан, *“ишчи Д.га 9084-буюртма бўйича 113 кг контейнернинг деворларини йиғиш топширилган. Йиғиш вақтида ўнг оёғининг тиззаси жароҳатланган.”*

Бахтсиз ҳодисани шарт-шароитларини баён қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:


УМУМИЙ ТАЛАБ. Бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш шарт-шароитларини баён қилишда маълум бўлган маълумотларни яна қайтариш ёки воқеага тааллуқли бўлмаган ҳолатларни баён қилиш шарт эмас. Шарт-шароитларни баён қилишда фақат комиссия томонидан аниқланган ҳолатларни кўрсатиш лозим. Қўшимча равишда тавсиялар ва гувоҳларнинг фикр-мулоҳазалари далолатномага ёзилмайди;

ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙ. Воқеа содир бўлган жойни аниқ кўрсатишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда бино, машина, агрегат, жиҳознинг қисмини бахтсиз ҳодиса содир бўлишида жабрланувчи бўлган жойи кўрсатилади;

– бахтсиз ҳодиса содир бўлган вақтда жабрланувчи бажарган иш, нафақат умумий иш жараёни кўрсатилади, жабрланувчини аниқ қайси ишни бажараётган вақтда жароҳат олганлиги кўрсатилади;

– иш жараёнида жабрланувчи қўллаган усуллар, агар бахтсиз ҳодиса нотўғри иш усулларини қўллаган вақтда содир бўлган бўлса, қандай камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатиш лозим;

- бахтсиз ҳодиса содир бўлганда ва ундан кейин ишчининг ҳолати;
- ишчи ишлаган ва жароҳат олган жиҳозлар, асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати;
- бажарилган иш жойининг аҳволи;
- агар бахтсиз ҳодиса зарарли омиллар (юқори-паст ҳарорат, газланиш, чангланиш, ёруғлик ва ҳ.к.) таъсирида содир бўлган бўлса, иш жойидаги меҳнат шароити;
- жабрланувчига нима орқали жароҳат етган (жиҳоз қисми, бино, иншоот ва ҳ.к.);
- жабрланувчига етказилган жароҳат ҳусусияти.



Бахтсиз ҳодисанинг сабабларини аниқлаш

Бахтсиз ҳодисанинг сабаблари комиссия томонидан олиб борилган текширишлар натижасига асосан аниқланади.

Текширишнинг асосий мақсади – бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш сабабини тўғри аниқлаш камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жавобгар шахсларни аниқлашда ёрдам беради. Баъзи ҳолларда содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг шарт-шароитларини нотўғри кўрсатиш ва сабабларни нотўғри аниқлаш (аниқламаслик) ҳоллари Н-1 шаклидаги далолатномани нотўғри расмийлаштиришга олиб келади:

а) баъзи ҳолларда аниқ сабаблар ўрнига умумий жумлалар қўлланилиши.

“Иш жойи хавфсизлик техникаси талабига жавоб бермайди.”, “Носоз машина”, “Хавфсизлик техникаси талаблари бузилиши. Етарли назорат олиб борилмаганлиги”,

“жиҳозларнинг меҳнат хавфсизлиги стандарти талабларига жавоб бермаслиги”, “Устанинг (бригадир, цех бошлиги) эътиборсизлиги”, “Бош механик хизмати етарли даражада иш олиб бормаслиги” ва бошқалар.

Масалан: далолатномада кўрсатилишича, “Токаръ М. асбобсозлик бўлимида кесувчи асбобни чархлаган. Чархлаш ишлари 3641-русумли станокда химоя тўсиғи олиб қўйилган ҳолда бажарилган. Чархлаш вақтида абразив тоши синиб кетган ва абразив тошини синган бўлаги токаръ М.нинг бошига тегиши натижасида, М. оғир жароҳатланган.” Бахтсиз ҳодисанинг сабаби *“Уста Ш. томонидан жиҳознинг техник ҳолати назорат қилинмаган”* деб кўрсатилган.

Бу ерда бахтсиз ҳодиса сабаби нотўғри кўрсатилган. Бахтсиз ҳодисани сабабини тўғри аниқлаш учун нима сабабдан абразив тоши синиб кетган, у синовдан ўтганми, нима сабабдан химоя тўсиғи ечилган, нима сабабдан корхонада асбобларни марказий чархлаш ташкил этилмаган, абразив тоши станокка тўғри ўрнатилганми, станокни хавфсиз ишлатиш учун жавобгар шахс ким каби масалаларни ёритиш лозим эди.

Кўп ҳолларда далолатномаларда бахтсиз ҳодисанинг сабаби ўрнига хавфсизлик техникаси талаблари бузилиши ёки *“қутилмаганда”, “воқеалик натижасида”* каби сабаблар кўрсатилади.

Бир далолатномада шундай кўрсатилган: *“Сувоқчи Ш. қачон бетон қоришма олиб келинишини билиш учун борган. Ш. қурилаётган бинонинг иккинчи қаватининг галереясида кетаётганда бошига тушган зарбадан йиқилган.”*

Аниқланишича, Ш. 2-қаватнинг галереясидан кетаётганда, 3-қаватда ишлаётган ишчилар оралиқдан курилиш чиқиндиларини ташлашаётган бўлишган.

Сабаби *“воқеалик натижасида”* деб кўрсатилган.

Албатта, бу бахтсиз ҳодисани сабаби эмас. Курилиш майдонида иш нотўғри ташкил этилганлигини кўрсатиш лозим эди.

б) асосий сабабни иккинчи даражали сабаб билан алмаштирилиши ҳолатлари:

Бахтсиз ҳодисанинг сабаблари бир нечта бўлиши мумкин. Уларни санашда асосийсини албатта биринчи кўрсатиш лозим. Асосий сабаб бахтсиз ҳодиса содир бўлишига олиб келган сабаб. Иккинчи даражали сабаблар бахтсиз ҳодиса содир бўлишига яқин бўлиши мумкин, лекин уни келтириб чиқармаган бўлади.

Масалан: *“Цех ишчиси С.га эшикни қоплаш учун брезент материалдан қоплам тикиш топширилди. Брезент цехдан узоқ жойга туширилган. Брезентни цехга олиб келиш учун ишчи С. цех ёнида турган электрокарадан фойдаланишни мақсад қилди. Электрокарани бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаслигига қарамасдан, ишчи Ш. электрокарани бошқариб, брезент олиб келишига кетди. Ҳаракат жараёнида, ишчи Ш. электрокарани бошқариш бўйича етарли билимга эга бўлмаганлиги сабабли, устунга бориб урилиб, қўлидан жароҳатланди”.*

Бахтсиз ҳодисани сабабини куйидагича аниқлашган: ***“Ишчи С. томонидан хавфсизлик техникаси қоида-талаблари бузилган.”***

Аммо, ишчи С. хавфсизлик техникаси қоидаси талабини эмас, ички ишлаб чиқариш меҳнат интизоми талабини бузган. Чунки, ишчи С.да электрокарани олиб ишлатиш бўйича ҳуқуқ бўлмаган.

Бу сабаб асосийсими ёки иккинчи даражалими?

Ишчи С. электрокарани олиб ишлатиш бўйича ҳуқуқ бўлмаган ҳамда раҳбариятдан рухсат олмасдан электрокарани ишлатган – бу билан эса у ички ишлаб чиқариш интизомини бузган. Лекин бундай ҳолатни бошқа ишчи ҳам қайтариши мумкин, чунки электрокарани ҳар ким ҳам юргиза олади. Мана шу жойда бахтсиз ҳодисанинг асосий сабаби келиб чиқади. Электрокарани ким хоҳласа юргиза олишининг олдини олиш учун унга махсус мослама (блокировка) ўрнатиш лозим эди

ёки махсус калит билан юргизиш имконини яратиш керак эди. Мана шунда содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг олдини олса бўлар эди. Бундан кўриниб турибдики, бахтсиз ҳодисанинг асосий сабаби – электрокарани юргизиш учун махсус мослама йўқлиги, иккинчи даражали сабаб эса – ички ишлаб чиқариш интизоми талаби бузилиши. Зудлик билан махсус калит яшаш ҳамда ички ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатиш лозим эди.

Баъзи ҳолларда бахтсиз ҳодиса содир бўлишига бир-нечта сабаблар кўрсатилади. Лекин буларнинг бирортаси ҳам асосий сабаб бўла олмайди.

Масалан, *“Механика цехи чилангари Н.га металл яшиқни бўяш топширилган. Чилангар Н. омборхона мудиридан калитни олиб, бошиқа чилангар З.дан катта идишда турган бўёқдан олиб келишда ёрдам беришини илтимос қилган. Улар омборхонага кирганда, омборхона қоронғи бўлган ва чилангар З. бўёқларни рангини билиши учун гугурт чаққан. Бўёқ идиш қопқоғи очилган вақтда, бўёқ ёниб кетган ва чилангар З. куйиши натижасида тан жароҳати олган.”*

Сабаблар:

1. Йўриқнома берилмаганлиги;
2. Жабрланувчининг эҳтиётсизлиги;

3. Бўёқ рангини аниқлаш учун гугурт ёқиш, деб кўрсатилган. Бу сабаблар барчаси нотўғри қўйилган, бахтсиз ҳодисани содир бўлиш сабаби материалларни бериш тартиби бузилганлиги ва омборхонада ёруғлик йўқлиги.

в) бахтсиз ҳодисани шарт-шароитларидан келиб чиқмаган ҳолда сабаблар кўрсатилиши:

Баъзи ҳолларда далолатномада бахтсиз ҳодисанинг шарт-шароитлар кўриниши батафсил ёритилади, аммо шунга қарамасдан жароҳатланишнинг сабаби нотўғри кўрсатилади.

Масалан, *“Ҳайдовчи П. корхона ҳудудида автомашина гилдирагини камерасини алмаштирган. Монтаж ишларини*

тамом қилиб, камерага дам солган ва гилдирак чеккасидаги айланани уриб кўрган. Айланага болгача билан урган вақтда, айлана чиқиб кетган ва П.ни ўнг қўлига тегиб, жароҳат етказилган.”

Бахтсиз ҳодисанинг сабаби “жабрланувчининг тажриба-сизлиги ва эътиборсизлиги” деб кўрсатилган.


Аммо бу сабаблар ҳам нотўғри кўрсатилган. Чунки ишни бажаришда хавфли усул қўлланилган. Автомашиналарни гилдиракларини ечиш, таъмирлаш махсус мосламалар ёрдамида бажарилиши лозим.

г) бахтсиз ҳодиса содир бўлиши сабабларини шарт-шароитлар билан алмаштириш:

Корхонадаги ишчилар учун ажратилган ечиниш-кийиниш хонасини таъмирлаш учун, хона ойнасидаги пардани ечиб олиш мўлжаллаган ва йиқилиб тушиб, тан жароҳати олган.

Бахтсиз ҳодисани сабаби “Яхши жойлашмаган стол устида туриб пардани ечиш” деб кўрсатилган. Бу бахтсиз ҳодисани сабаби эмас, балки шарт-шароитидир.

Сабаби, “*юқорида ишлаш учун махсус мосламадан фойдаланмасдан иш олиб бориш*”, деб кўрсатилиши лозим эди.



Содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг асосий ва иккинчи даражали сабабларини бирин-кетин кўрсатишдаги хатоликлар

Бахтсиз ҳодиса содир бўлишидаги барча сабаблар далолатномада кўрсатилиши шарт, аммо асосий сабабни олдин, иккинчи даражали сабабларни моҳиятига қараб, бирин-кетин кўрсатиш лозим.

Масалан, “*О. пресслаш станокда маҳсулот тайёрлаётган эди. О. маҳсулотни пресслаш станокига қўли билан қўяётган вақтда, қўли мойланган темир устидан сирғалиб*

кетиб, пресс тагида қолган ва ўнг қўлининг панжалари жароҳат олган.”

Далолатномада бахтсиз ҳодисанинг сабаблари қуйидагича кўрсатилган:

1. “55 йўриқноманинг 9 ва 18-бандлари бузилган”.

2. “Уста томонидан етарли даражада назорат олиб борилмаган”.

3. “Иш зонасига қўл тушиб қолишини олдини олувчи ҳимоя тўсиғи йўқлиги”.

Бу бахтсиз ҳодисада учинчи сабаб асосий сабаб бўлганлиги учун, уни биринчи ёзиш керак эди.


Демак, бахтсиз ҳодисани сабаблари далолатномада кўрсатилганда қуйидагиларга амал қилиш керак:

– далолатномада жароҳатланишнинг ҳақиқий сабабини кўрсатиш лозим;

– сабаблар бахтсиз ҳодисани шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим;

– далолатномада меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси талаблари аниқ бузилишларини кўрсатиш лозим;

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш бўйича умумий қабул қилинган классификатор йўқлиги сабабли, содир бўлган бахтсиз ҳодисани текшириш вақтида сабабларни аниқлашда ва таҳлил қилишда бир оз қийинчиликлар туғилиши мумкин, лекин уларни қуйидагиларга ажратиш олса бўлади:



техник сабаблар




ташкилий сабаблар



санитария-гигиеник сабаблар



руҳий физиологик сабаблар



1. Техникавий сабаблар:

- машина, механизм, жиҳоз ва асбобларнинг конструктив камчилиги;
- носоз машина, механизм, жиҳоз ва асбоблардан фойдаланиш;
- технологик жараёни бузиш;
- оғир меҳнатни механизациялашдаги камчиликлар;
- химоя, огоҳлантирувчи, тақиқловчи воситаларни камчилиги;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларнинг техник ҳолати қониқарсизлиги;
- транспорт воситасини ишлатишда хавфсизлик талаблари бузилиши.



2. Ташкилий сабаблар:

- ишлаб чиқариш ёки иш жойини қониқарсиз ташкил қилиш;
- хавфсиз меҳнат қилиш бўйича ўқитишда ва йўриқлар беришда ёки мустақил ишга қўйишдаги камчиликлар;
- маҳсулотларни сақлашда, жойлаштиришда ва транспортда олиб юришдаги қоида ва меъёрларнинг бузилиши;
- юқори хавфли ишларни ташкил қилишдаги камчиликлар;
- ишни бажариш бўйича назорат йўқлиги ёки етарли эмаслиги;
- шахсий ва жамоавий воситаларидан фойдаланмаслик;
- ишчини касбига оид бўлмаган бошқа ишга жалб қилиш;
- хавфли иш усулларини қўллаш;
- меҳнат хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя этмаслик ёки бузиш.



3. Санитария-гигиеник сабаблар:

- ҳавода зарарли омилларни юкори булиши;
- ёруғлик етарли эмаслиги, тебраниш, товуш юкорилиги;
- метеорологик шароитнинг

нокулайлиги ва шахсий гигиена талаб ва меъёрлари бузилиши.

4. Рухий-физиологик сабаблар:

- рухий зўриқиш, меъёрдан кўп меҳнат қилиш жараёнида чарчаш, ақлий зўриқиш;
- бажараётган ишига инсон организмнинг рухий-физиологик тўғри келмаслиги.



Бахтсиз ҳодиса сабабларини баргараф қилиш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш

Бахтсиз ҳодиса сабабларини баргараф қилиш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиш – нохуш ҳолатнинг олдини олувчи асосий босқичлардан бири бўлиб, далолатнома тузишда аниқ масалалар кўрсатилиши зарур.

Бахтсиз ҳодиса шарт-шароитларини ва сабабларини тўғри кўрсатишгина бахтсиз ҳодиса сабабларини баргараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг фойда беришини вужудга келтиради.

Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланиши тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномаларни таҳлил қилганимизда, кўп далолатномалардаги чора-тадбирлар нотўғри

ишлаб чиқилганлиги ва бу ҳеч қандай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича фойда бермаслиги маълум бўлмоқда.

Н-1 шаклидаги чора-тадбирлар банди тўлдирилишида қуйидаги камчиликлар кузатилмоқда:

а) сабабларни бартараф қилиш бўйича тузилган чора-тадбирлар воқеанинг шарт-шароитларидан ва сабаблардан келиб чиқмаслиги:

Бахтсиз ҳодисанинг шарт-шароитлари, сабаблари ва сабабларни бартараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бир-бирига боғлиқ бўлиши керак. Шарт-шароитлардан сабаблар келиб чиқади, сабабларга асосланиб чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Баъзи ҳолларда далолатномаларда шарт-шароитлар тўғри баён қилинади, сабаблар аниқ кўрсатилади, аммо чора-тадбирлар эса умуман бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф қилишга тааллуқли бўлмаган бошқа масалалар бўйича ишлаб чиқилади.

Масалан: *“Станок ишчиси Д. контейнердаги металл чиқиндиларини махсус идиш(бункер)га солмоқчи бўлиб, юк кўтариш механизмини (кран) темир арқонларини (строп) контейнернинг пастки илгичларига илган ва юк кўтариш механизми бошқарувчисига контейнерни юқорига кўтаришини айтган. Контейнерни кўтариш вақтида, контейнер махсус идиш (бункер) деворидан сирғалиб кетган ва Д.нинг оёғига тегиб, тан жароҳати етказилган”.*

Сабаблари:

1. Юк кўтариш механизми бошқарувчиси томонидан 10 ва 41 рақамли йўриқномалар бузилган (Юкни фақат йиқилиб, сирғалиб кетиш хавфи йўқ жойга қўйиш керак).

2. Ишчи Д. 40-рақамли юк илувчилар йўриқномасининг 32-бандини бузган (Юк илувчи кўтарилаётган юк тагида турмасдан, хавфсиз жойга ўтиб туриши керак).

Сабабларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар:

1. Хавфсизлик техникаси талаблари бўйича юк кўтариш механизми бошқарувчиси ва юк илувчининг билим савияси қайтадан аттестациядан ўтказилсин.

Бахтсиз ҳодиса текширилган, сабаблари аниқланган, аммо хавф қолиб кетган.

Бахтсиз ҳодисадан сўнг ҳам, металл чиқиндиларини махсус идишга солишни эски усулда амалга ошириш давом этган.

Бу контейнер билан махсус идишга металл чиқиндиларини солиш мумкин эмас эди. Металл чиқиндиларни қабул қилиш майдони қоида талабларига жавоб бермас эди. Аммо, сабабларни бартараф қилиш чора-тадбирларида контейнер ва чиқиндиларни қабул қилиш майдони тўғрисида ҳеч қандай масала кўтарилмаган.

б) аниқ чора-тадбирлар умумий жумлалар билан алмаштирилиб қўйилиши:

Масалан: *“Қурилиш бригадасининг ишчилари юқорида гишт тераётган вақтда, бир гишт бинонинг ёнидан ўтаётган ишчи Ф.нинг бошига тушиб, тан жароҳати етказди.”*

Сабаби:

“Юқорида бажариладиган ишларни уста томонидан нотўғри ташкил қилинганлиги” деб кўрсатилган.

Сабабни бартараф қилиш чора-тадбирлари:

“Қурилиш бригадасида хавфсизлик техникаси ҳолати устидан назорат кучайтирилсин.” Бу умумий жумла. Бу ерда хавфли жойларни махсус ҳимоя тўсиқлари ва огоҳлантирувчи белгилар билан таъминлаш бўйича чора-тадбир ишлаб чиқиши лозим эди.

Кўп далолатномаларда корхона мажлисида содир бўлган бахтсиз ҳодиса раҳбар ходимлар ва ишчилар билан муҳокама қилинганлиги тўғрисида ахборот берилган. Бу албатта бахтсиз ҳодисалар олдини олишга ёрдам беради. Лекин, жамоа муҳокамасида албатта жароҳатланишлар сабабини бартараф

қилишда техникавий-ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўрилиши керак.

в) техникавий сабабларни ташкилий сабабларга алмаштириш:

Агар текшириш вақтида техникавий сабаблар аниқланган бўлса, текшириш далолатномасида нафақат ташкилий чора-тадбирлар, албатта техникавий чора-тадбирлар ҳам акс этиши керак.

Масалан, далолатномада кўрсатилишича: *“Қурилишда бетон ишлари олиб борилган. Бетон қоришмасини олиб келган автомашина ҳайдовчиси бетон қоришмасини туширмоқчи бўлиб, машина кузовини кўтарган, аммо бетон қоришмасининг барчаси тўқилмаган. Бетон қоришмасини тушириш учун ҳайдовчи машинани орқага силтаб юргизган ҳамда бетон қуювчи В. машина бортига лом билан урган. Машинани орқага силтаб юргизган вақтда бетон қуювчи В.ни машина темирбетон устунга қисиб қўйган ва тан жароҳати етказилган.”*

Бахтсиз ҳодиса сабаблари:

1. Жабрланувчи В. томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 3-сонли йуриқноманинг 48-банди талаби бузилган;

2. Муҳандис техник ходимлар томонидан ишчиларнинг хавфсизлик техникаси қоидаларини бажараётганлиги етарли даражада назорат қилинмаган.

Сабабларни бартараф қилиш чора-тадбирлари: *“Қайтадан кўриқдан ўтказилсин”* Бу чора-тадбир тўлиқ эмас. Юкни хавфсиз тушириш усули ҳамда юк тушириш майдони тўғрисида ёзиш керак эди.



Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахсларни аниқлаш

Меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахсларни аниқлаш ўта муҳим ишдир.

Воқеани содир бўлишида жавобгар шахсни хатти-ҳаракати билан ҳаракатсизлиги боғлиқлиги аниқ исботланиши лозим. Бунинг учун қуйидагиларни батафсил ўрганиб чиқиш керак:

а) содир бўлган бахтсиз ҳодисани объектив томондан ўрганиш:

– иш бажарувчи томондан ишни бажаришда хато ва камчиликларга йўл қўйилганми;

– хавфсизлик қоидаларини бузилишига қандай шароитлар имкон берган;

– бахтсиз ҳодиса содир бўлишига бевосита нима сабаб бўлган;

– мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги жамоа учун қандай хавф туғдирган;

– меҳнат хавфсизлиги бўйича қандай қоида ёки меъёрий ҳужжат талаби бузилган:

ушбу қоида ёки меъёрий ҳужжат ким томонидан ва қачон тасдиқланган, уни амал қилиш муддати;

қандай иш бажарилаётганда хатоликларга йўл қўйилган;

мансабдор шахснинг нотўғри хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида қандай воқеа содир бўлган;

мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса орасида узвий боғланиш сабаби борми.

б) содир бўлган бахтсиз ҳодисани субъектив томондан ўрганиш:

– мансабдор шахслар ичидан аниқ ким меҳнат хавфсизлиги қоидалари талабларини бузилишига йўл қўйган;

– меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузилишига йўл қўйган шахсга меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жавобгарлик буйруқ ёки фармойиш билан юклатилганми;

- ким бевосита ишга раҳбарлик қилган, ўзининг тайёргарлигига мувофиқ ишга раҳбарлик қилишга ҳуқуқи бормиди;
- ишга раҳбарлик қилган шахснинг ишни бехатар олиб боришга имконияти бормиди;
- мансабдор шахс томонидан хавфсиз меҳнат усулларини қўллаш устидан назорат олиб борилганми ва бошқалар.

Бахтсиз ҳодисанинг барча ҳолатларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахсга тааллуқли бўлган барча маълумотларни, содир бўлган воқеада унинг айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ўрганиб чиқиш керак.

Бахтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабаблар қуйидагилар бўлиши мумкин:

ишни нотўғри ташкил қилинганлиги

жабрланувчини ўта эҳтиётсизлиги

шахсий ҳимоя воситасини йўқлиги

машина ва механизмлар тузилишида камчиликлар мавжудлиги

ишлаб чиқариш технологик жараёндаги камчилик мавжудлиги, жумладан технологик жараён бузилиши

машина-механизмлар ҳаракатланиш қисмлари ва хавфли иш жойларида махсус ҳимоя тўсиқлари йўқлиги

ишни бехатар олиб бориш бўйича ўқитилмаганлиги ва йўриқлар берилмаганлиги

механизмларни бошқаришга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга ишлашга руҳсат берилганлиги

носоз машина-механизм, жиҳоз асбоб-ускуналарда ишлаш ва х.к.

Бундай ҳолатларда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак:

- ишни бажаришга жабрланувчини ҳуқуқи бўлганми;
- мансабдор шахсни жавобгарликдан озод қилувчи бирор ноҳўй ҳаракат жабрланувчи томонидан қилинганми;

– меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузилишини жабрланувчи билган ёки билиши лозим эдими, билган бўлса нима сабабдан ноҳў ҳаракат қилган.

Шу сабабли, меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахсни аниқлашда қуйидагиларни ўрганиш лозим:

– меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахс хавфсизлик қоидаларини бузмасликни таъминлашга имконияти бормиди;

– мансабдор шахсни хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса орасида узвий боғланиш сабаби борми;


– мансабдор шахсни хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса орасида узвий сабаб бор-йўқлигини ўрганиш хавфсизлик қоидалари талаблари бузилиши сабабларини ҳамда меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахсни аниқлаш имконини беради. Бу ишларни амалга оширишда ҳужжатларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳужжатларнинг баъзи бири ашёвий, баъзи бири ёзма далилдир. Хавфсизлик техникаси қоидалари ва улардан кўчирмалар, йўриқномалар, корхонадаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати тўғрисидаги далолатнома ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар ёзма далил.

Юк қўтариш механизмини бошқариш, юк илиш, портлатиш ишларини бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар, юк қўтариш механизмини бошқарувчилар томонидан бошқаришга олиш-топшириш, камчиликларни ва носозликлар қайд қилинадиган китоблар, агар улардаги ёзувлар нотўғри ёки ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, ашёвий далилдир.

Махсус текшириш далолатномасида меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахснинг исми, шарифи, мансабдор шахс томонидан бахтсиз ҳодиса содир бўлишига олиб келган

йўл қўйилган камчилик ва хатолар, меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бўйича йуриқномалар, меъёрий ҳужжатлар талабларининг қайси моддалари, қисмлари, бандлари бузилганлигини аниқ кўрсатиб ёзиш керак.

Иш ўринларидаги **кимёвий** (зарарли моддалар), **биологик**, **физик** (шовқин, инфратовуш, ҳаводаги ультратовуш, умумий вибрация, маҳаллий вибрация, электромагнит майдонлар ва нурланиш, ион ҳосил қилувчи нурланиш, микроиклим, ёруғлик муҳити, ультрабинафша нурланиш, лазер нурланиш ва б.), **механик** (транспортвоситаларининг уриб кетиши, ёт объектларнинг тушиб кетиши, ёт объектларнинг механик таъсири, урилиб кетиш ва б.) каби омиллар ходимнинг меҳнат шароитларига таъсири натижасида ҳам меҳнатда жароҳатланиш содир бўлиши мумкин.



Махсус текшириш материалларига қўйидаги ҳужжатлар киради:

- ❖ махсус текшириш далолатномаси;
- ❖ ҳар бир жабрланувчига алоҳида тузилган Н-1 шаклидаги далолатнома;
- ❖ режалар, схемалар, текшириш протоколи ва бахтсиз ҳодиса юз берган жойнинг фотосуратлари;
- ❖ йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жой схемаси;
- ❖ сўроқлар протоколи, жабрланувчининг ва бахтсиз ҳодисани кўрган гувоҳлар ва бошқа алоқадор шахсларнинг, шунингдек, ГОСТ, ССБТ (меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими) стандартлари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя қилинишига масъул бўлган мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари, эксперт гуруҳи тузиш тўғрисидаги фармойиш ва бошқалар;
- ❖ жабрланувчиларнинг хавфсизлик техникаси бўйича ўқитилганлиги ва йуриқномалар олганлиги ҳақидаги қайд дафтарларидан кўчирмалар;

- ❖ жабрланувчига етказилган жароҳатнинг хусусияти ва оғирлиги, ўлими сабаблари тўғрисидаги тиббий ҳулоса;
- ❖ эксперт гуруҳининг (зарур бўлганда) бахтсиз ҳодиса сабаблари ҳақидаги ҳулосаси, лаборатория ва бошқа тадқиқотлар, тажрибалар, таҳлиллар ва ҳоказоларнинг натижалари;
- ❖ авария туфайли кўрилган моддий зарар ҳақидаги маълумотнома;
- ❖ махсус текшириш комиссиясини тузиш ҳақидаги буйруқ ёки қарор;
- ❖ йўриқномалар, низомлар, буйруқлардан ва меҳнат хавфсизлиги меъёрларини ва унга масъул бўлган шахсларни белгилловчи бошқа далолатномалардан кўчирмалар;
- ❖ корхона (бўлинма, цех)да меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини текшириш тўғрисидаги махсус текшириш комиссиясининг далолатномаси;
- ❖ зарур бўлган ҳолларда (бош) давлат меҳнат техника инспекторининг ҳулосаси;
- ❖ ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумотнома – етказилган зарарни қоплаш суммасини ҳисоблаб чиқиш учун;
- ❖ боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги буйруқ нусхаси – ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса юз берганда.

Махсус текшириш материалларидан нусха олинганда, ҳар бир варағи рақамланган ва муҳр билан аслига тўғри эканлиги тасдиқланган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса махсус текшириш комиссияси иши якунлангандан сўнг, ваколатли органлар, касаба уюшмалари қўмитаси ва мутахассис иштирокида йиғилиш ўтказиши, тегишли қарор қабул қилиб, кўрсатмалар бериши, чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, аниқ муддатлар кўрсатилиши, ижрочилар белгиланиши ва уларнинг бажарилиши ваколат доирасида назоратга олиниши зарур.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

Ташкилотда хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси, электр ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва йўриқномаларига риоя қилмаслик жароҳатланишга, заҳарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкин.

Инсон танасининг тери ёки айрим қисмларига ташқи механик, кимёвий, иссиқлик ва электр таъсири натижаси **шикастланиш** деб аталади. Урилиш натижасида лат ейиш, терининг кесилиши, суяк синиши ва чиқиши, куйиш, совуқ уриш, электр токи уриши ва инсон ҳаёти фаолияти бузилишига олиб келувчи бошқа чекланишлар **жароҳатланишга** мисол бўлади.

Жароҳатланишни бахтсиз ҳодиса деб ҳам юритилади ва у 3 турга бўлиб қаралади ҳамда баҳоланади.



Ишлаб чиқаришда иш жойида жароҳатланиш



Ишлаб чиқариш жараёнида эмас, лекин иш билан боғланган (ишлаб чиқаришдан ташқари)



Ишлаб чиқариш ва иш билан боғланмаган жароҳатланиш

Биринчи турдаги жароҳатланишга ходимнинг маъмурият томонидан буюрилган ишни бажариши давомида, иш жойида, цехда, корхона майдонида, юк ортиш ва тушириш ёки юкларни бошқа жойга кўчириш вақтида олган жароҳати киради.

Иккинчи турдаги жароҳатланишга ходимнинг ишхона транспорти воситаларида, ишга бориб келиши вақтида, ташкилот маъмурияти топшириғи билан бошқа жойларда ишларни бажарганда олган жароҳати киради.

Учинчи турдаги жароҳатланишга маиший ҳолатларда, маст бўлиш натижасида, давлат мулкани ўғирлаш вақтида уй шароитида содир бўлган жароҳатланишлар киради.

Биринчи икки турдаги бахтсиз ҳодиса – жароҳатланишга, агар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, иш берувчи жавобгар ҳисобланади ва жароҳатланиш вақтида йўқотилган иш кунлари учун ҳақ тўланади. Агар жароҳатланиш ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларига амал қилмаслиги натижасида келиб чиққан бўлса, унда ходим маъмурият ходими билан бирга жавобгар ҳисобланади. Моддий тўлов миқдори маъмурият ходими ва ходимнинг айбдорлик даражасига қараб белгиланади.

Жабрланувчининг кўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқишига ёки унинг кўпайишига сабаб бўлган тақдирда, зарарнинг тўлов миқдори суммаси жабрланувчининг айбига қараб камайиши мумкин, лекин камайиш эллик фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Жабрланувчининг кўпол эҳтиётсизлиги туфайли ҳамда иш берувчининг айби бўлмаган ҳолларда, иш берувчининг жавобгарлиги, айбидан қатъи назар (яъни унинг меҳнат вазифаларини бажаришда юқори хавfli манбалар томонидан ходим соғлигига етказилган зарар), зарарни тўлаш суммаси жабрланувчининг айбдорлиги даражасига қараб камайиши ҳам мумкин, лекин камайиш эллик фоиздан кўп бўлмаслиги лозим. Бунда зарарни тўлашдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Жабрланувчининг айбдорлиги даражаси корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи қарори билан, мазкур масала бўйича келишмовчилик пайдо бўлганда эса – суд томонидан белгиланади.

Зарарни тўлашнинг кўшимча турларига, бир йўла нафақа тўлашга, шунингдек боқувчисининг вафоти туфайли етказилган зарар тўловларига нисбатан аралаш жавобгарлик қўлланилмайди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса - ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишдир.


Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг махсус текшируви ўтказилишини ва ҳисобга олинишини таъминлайди.


Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қатор ваколатлари бўлиб, улар тизимидаги ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ходим ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқига эга.

Бахтсиз ҳодисалар классификацияси схемаси



Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш босқичлари



Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, заҳарланиш содир бўлганда ёки касб касаллигининг келиб чиқишида ташкилотларда йўл қўйилган ташкилий ва техник хатолар натижасига қаралади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш корхоналарида юз берган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳар томонлама текширилади ва ҳисобга олинади. Текшириш ва ҳисобга олиш натижалари бахтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини аниқлаб, келажақда жароҳатланиш, касалланишнинг қайтарилмаслиги учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўриш имкониятини яратади.

Бахтсиз ҳодиса иш бошланишидан олдин, иш давомида, ишдан кейин, иш жойида, корхона майдонида, маъмурият топшириғи билан корхона майдонидан четда юз берганлигидан қатъий назар текширилиши лозим.

Жароҳатланиш таҳлили - меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати каби иқтисодий кўрсаткичларни белгиловчи корхонанинг энг муҳим вазифаларидан бирини ўзида акс эттиради.

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишни огоҳлантириш, олдини олиш, ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаси бўлиб, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш тизимини доимий такомиллаштириб бориш билан чамбарчас боғлиқ жараёндир.

Таҳлил натижаларида ишлаб чиқаришдаги асбоб-ускуналарнинг конструктив нуқсонлари билан боғлиқ, ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишдаги ташкилий ва ходимларни меҳнатнинг хавфсиз усул ва услубларига ўқитишдаги камчиликлари каби бахтсиз ҳодисага олиб келган сабаблар аниқланади.

Таҳлил қилишдан аввал бахтсиз ҳодисани ҳисобга олинади ва текширув ўтказилади. Енгил оқибатли бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан текширилади. Оқибати оғир, ўлим ва гуруҳий бахтсиз ҳодисалар махсус текширилади, яъни ваколатли органлар томонидан тузилган комиссия текширади.

Ўтказилган махсус текширувнинг тўғрилиги ва сифати таҳлилнинг ҳаққонийлиги ҳамда профилактик тадбирларнинг самарадорлигига асос бўлади.

Сабаблар бахтсиз ҳодисанинг шарт-шароитларидан келиб чиқиши зарур, профилактик тадбирлар сабаблар билан боғланиши керак. Сифатсиз махсус текшириш материалларини аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши ва қайта текшириш учун қайтарилиши зарур.

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишни таҳлил қилишдаги асосий қийинчилик бахтсиз ҳодисанинг асосий сабабини бир хил маънода ёки биттасинигина ёзишдир, чунки амалиётда кўпчилик ҳолатда бир-бири билан боғлиқ бир нечта сабаблар туфайли бахтсиз ҳодиса содир бўлади.

Таҳлил қўйидаги босқичларни ўз ичига олиши керак:

– жароҳатланишга олиб келган бахтсиз ҳодисанинг барча сабабларини аниқлаш;

– бевосита бахтсиз ҳодисага олиб келган сабабларни бир-бири билан боғлиқлигини аниқлаш;

– жабрланувчининг жароҳатланишига олиб келган бахтсиз ҳодисанинг асосий сабабини (ташқилий, техник, санитария-гигиеник, психофизиологик ва б.) аниқлаш.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилишнинг асосий мақсади, уни бартараф этиш ва олдини олишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Таҳлил қилишда, ишлаб чиқаришдаги зарарли ва хавfli омилларнинг меҳнат қилаётган инсонга таъсири ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш якуни бўйича тайёрланган далолатнома, меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ҳам ўрганилиши ва таҳлил қилиниши керак.

Иш ўринларида ходимнинг жароҳатланиш хавфи ишлаб чиқариш ускунаси ёки технологик жараёнларни амалга оширишда фойдаланиладиган мосламалар ва асбоблардан

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш босқичлари



бўлиши мумкин. Шунингдек, иш ўринларида ходимларни механик, электр токи, кимёвий моддаларнинг заҳарли таъсири, юқори ёки паст ҳароратлар таъсиридан ҳам ҳимоялаш зарур.

Зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсирининг олдини олиш ёки камайтириш, шунингдек ифлосланишдан ҳимоя қилиш учун техник воситалар (махсус кийим, махсус пойабзал ва яқка тартибдаги ҳимоянинг бошқа воситалари)дан фойдаланилади.

Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисобот ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари таҳлил қилиниши шарт эканлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 286-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг IV-бўлимида белгилаб қўйилган.

Н-1 шаклидаги далолатнома бўйича расмийлаштирилган барча бахтсиз ҳодисалар ҳисоботга киритилади.

Н-1 шаклидаги далолатномалар асосида иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар чоғида жабрланувчилар тўғрисида статистика органи тасдиқлаган шаклларда ҳисобот тайёрлайди ва уни тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда тақдим этади.

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиши, уларнинг меҳнат жамоасида кўриб чиқилишини таъминлаши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олишга оид чора-тадбирларни амалга ошириши шартдир.

Вазирлик, корпорация, уюшма, концерн барча бахтсиз ҳодисаларнинг ҳисобини ва таҳлилини олиб боради, уни ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларга маълумот учун юборади. Тегисшли касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса юқори турувчи касабача уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан биргаликда юқори турувчи хўжалик органларида ва Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси ҳайъатида (агар бахтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги объектда юз берган бўлса) (бош) давлат меҳнат техник инспектори иштирокида муҳокама қилинади.

Икки ва ундан зиёд киши ҳалок бўлган бахтсиз ҳодиса Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳайъатида, вилоят (Тошкент шаҳар) бандлик бош бошқармаси кенгашида, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси ҳайъатида, бахтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса, бош давлат меҳнат техник инспектори иштирокида кўриб чиқилади. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳайъати, вилоят (Тошкент шаҳар) бандлик бош бошқармаси кенгаши чиқарган қарор бажарилиши шартдир.

Бахтсиз ҳодиса юзасидан махсус текшириш олиб бораётган (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси талабига биноан ҳудудий ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш органлари (суд-тиббий экспертиза), йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати, ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати 3 суткадан кечиктирмай, бахтсиз ҳодисага тааллуқли ҳужжатлар ва материаллар нусхаларини тақдим этишлари шартдир.

Ҳудудий ички ишлар органлари Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциясига, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органига ишнинг бориши тўғрисида ахборот бериб турадилар.

Юқорида қайд этилган Низомни бузишда айбланувчилар мавжуд қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

*Бахтсиз ҳодисаларнинг сабаларини қуйидаги усуллар
ёрдамида аниқлаш мумкин:*



Статистик усул. Бу усул ташкилотларда статистик ҳисобга олинган бахтсиз ҳодисалар материалларини чуқур ўрганишга асосланган. Статистик усул бахтсиз ҳодисаларни камайтириш борасида чора-тадбирлар кўриш учун амалий имконият беради ва ташкилотда жароҳатланишни таърифловчи шикастланиш даражаси (**Кч**), жароҳатланишнинг оғирлик даражаси (**Ко**) ўртача кўрсаткичини олиш имкониятини беради.

Шикастланиш даражаси (**Кч**) маълум вақт давомида ташкилотларда 1000 ходим ҳисобига тўғри келадиган бахтсиз ҳодисаларнинг ўртача сонини кўрсатади. Уни қуйидаги тенглама орқали аниқлаш мумкин:

$$Кч = Н \times 1000 / Р$$

бунда, **Н** – маълум вақт ичидаги бахтсиз ҳодисалар сони, **Р** – шу вақт ичида ташкилотда ишлаётган ходимларнинг ўртача сони.

Бахтсиз ҳодиса сабабли жароҳатланишнинг оғирлик даражаси (**Ко**) ҳар бир жароҳатланиш туфайли ўртача йўқотилган

иш кунлари миқдорида ифодаланади ва қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$K_0 = D/N$$

бунда **D** – бахтсиз ҳодисага учраганлар томонидан йўқотилган иш кунлари сони, **N** – шу давр ичида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сони.

Бир кундан ортиқ меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган барча бахтсиз ҳодисаларни статистик ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш зарур. Улар махсус журналда ва ташкилотнинг тиббий муассасаси журналида ҳам қайд этилиши лозим.

Ташкилот ишини меҳнат хавфсизлиги нуқтаи назаридан баҳолашда, **K_ч** нинг ошиши меҳнат шароитлари талаб даражасидан пасайганини тавсифлашини, унинг паст кўрсаткичи шикастланишларнинг олдини олиш яхшиланганлиги натижаси эканини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга, жароҳатланиш динамикасини чуқур таҳлил қилиш зарур. **K_о** нинг ўсиши энг ёмон кўрсаткич бўлиб, у синчковлик билан таҳлил қилинади.

Худди шу тартибда жароҳатланиш даражаси, ногиронлик белгиланиши ва ўлим билан тугаган ҳолат каби масалалар ҳам таҳлил қилиниши мумкин.

Статистикани таҳлил қилишда ўлимга олиб келадиган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисаларга алоҳида эътибор берилиши керак. Бундай ҳолатлар мавжуд бўлганда, ҳисобот даври мобайнида корхонада меҳнат хавфсизлигининг умумий ҳолатини қониқарли деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Статистик усулда шикастланиш ишчи ва хизматчилар орасидаги кўрсаткичи баҳоланади. Баҳолашда ходимнинг ёши, иш стажи, касби, жинси, мутахассислиги, иш вақти, иш тури ва бошқа омиллар эътиборга олинади.

Монографик усул. Монографик усулда меҳнат шароитлари ва иш усулларининг батафсил таҳлили бирварақайига, турли хил соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга

оширилади. Таҳлилнинг мақсади бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлаш ва келажакда уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишдир.

Бу усул бахтсиз ҳодиса юз берган цех, участка ёки ташкилот бўлимларининг барча шароитлари: меҳнат ва технологик жараёнлар, иш жойи, асосий ва ёрдамчи ускуналар, қайта ишланган материаллар, шахсий ҳимоя воситалари, ишлаб чиқариш муҳитининг умумий шароитлари ва бошқаларни батафсил, чуқур ўрганишни ўз ичига олади. Асосий диққат эътибор технологик жараёнларга, ишлаб чиқаришнинг хавфли, зарарли омилларига, меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигига қаратилади. Бунда ташкилотда рўй берган бахтсиз ҳодисалар, авариялар, касб касалликларининг келиб чиқиш сабаблари аниқланади.

Муайян ишлаб чиқариш майдонини монографик таҳлил қилишда техник тадқиқот усуллари ҳам кенг қўлланилади (синов ускуналари, ишлаб чиқариш муҳитини кузатиш ва бошқалар).

Монографик усулда қайта ишланган материаллар, шахсий ҳимоя воситалари, меҳнат шароитлари ва бошқалар ташкилотда нафақат бахтсиз ҳодиса сабабларини ва юзага келиши мумкин бўлган хавф ва зарарларни аниқлашга имкон беради, балки жароҳатланишлар ва касбий касалликларнинг олдини олиш йўллари аниқ белгилашга имкон беради.

Шунингдек, бу маълумотлар қурилаётган ёки лойihalаштирилаётган ўхшаш ташкилотларда айнан худди шундай бахтсиз ҳодисалар келиб чиқмаслиги учун огоҳлантириш ва жараёнларни ўзгартириш, мукаммаллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Топографик усул. Шикастланишни таҳлил қилишнинг топографик усули ушбу бахтсиз ҳодисалар содир бўлган жойда бахтсиз ҳодисалар сабабларини ўрганишдир. Топографик усулнинг моҳияти шундан иборатки, барча бахтсиз ҳодисалар

шартли белгилар билан таҳлил қилинаётган объектлар диаграммасига мунтазам равишда киритиб борилади. Натижада, жароҳат олинган жойлар, жароҳатланишларнинг даражаси ва оғирлиги бўйича аниқ маълумотларга эга бўлинади. Бундай таҳлил натижалари текшириш ва профилактика чораларини кўришда алоҳида эътибор талаб этиладиган иш ўринлари, объектлар, қурилмалар, майдончалар ва жиҳозларни аниқлаш имкониятини беради.

Гуруҳий усул статистик усулнинг турларидан биридир. Ушбу усулга кўра, маълумотлар бахтсиз ҳодисаларни характерли (бир хил) хусусиятларига кўра гуруҳлашдан сўнг қайта ишланади: иш турлари, жиҳозларнинг бир хиллиги, иқлим шароити, шикастланиш вақти, вафот этганларнинг ёши, малакаси ва мутахассисликлари. Усул миқдорий ва сифат жиҳатидан ўлчанган хусусиятларни гуруҳлашга имкон беради.

Гуруҳ усулининг моҳияти характерли хусусиятлар бўйича гуруҳланган маълумотлар асосида ишлаб чиқариш жароҳати даражаси фарқларини аниқлашдан иборат. Агар фарқлар сезиларли бўлиб чиқса, унда гуруҳлаш хусусияти маълум бир гуруҳда юқори даражадаги шикастланиш сабабларини аниқлашга имкон беради.

Эксперт усули маълум бир соҳага малакали мутахассисларни жалб қилишга асосланган: экспертлар гуруҳи бахтсиз ҳодисалар сабабларининг аҳамиятини баҳолайди.

Асосан, эксперт усули ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларни таҳлил қилишда мураккаб, кўп тармоқли тизимларда ёки объектларда пайдо бўладиган баъзи сабабларни ёки омилларни аниқлаш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган ҳолларда қўлланилади.

Бир неча омилларнинг таъсиридан келиб чиқадиган шикастланиш ҳолатларини таҳлил қилиш учун **сабабий боғлиқликларни график тузиш усули** қўлланилади.

Шубҳасиз, мавжуд хавф-хатар (яъни бахтсиз ҳодиса) ва

сабаблар (ҳодиса содир бўлишига сабаб бўлган омиллар) ўртасида сабабий боғлиқлик мавжуд. Ҳар қандай бахтсиз ҳодисанинг сабаби бор, у бошқа сабабнинг сабаби бўлган бўлиши мумкин ва ҳоказо. Бундай боғлиқликларнинг график кўриниши сершоҳ дарахтга ўхшайди, шунинг учун бундай графикалар “сабаб дарахти” деб номланади. Сабаб-оқибат муносабатларининг график тузилиши ёрдамида хавfli ишлаб чиқариш ҳолатини келтириб чиқарган ноқулай омилларнинг ўзаро таъсири аниқ кўрсатилади ва баҳоланади.

Сабабларни услубий аниқлаш икки босқичга бўлинади: вазият моделини яратиш ва ушбу моделни таҳлил қилиш. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг сабабларини аллақачон содир бўлган ҳодиса сифатида аниқлаш учун, вазият модели тескари тартибда қурилган: жароҳат олган пайтдан олдин содир бўлган воқеаларга қадар.

Ушбу моделни таҳлил қилишда сабабий муносабатларнинг кетма-кет, параллел, доиравий ва концентрик шаклларида фойдаланилади.

Эргономик усул “одам - машина - иш муҳити” тизимини ҳар томонлама ўрганишга асосланган.

Меҳнат фаолиятининг ҳар бир тури ходимнинг маълум физиологик, психофизиологик ва антропометрик хусусиятларига мос келиши керак. Кўрсатилган инсон хусусиятларининг ҳар томонлама мувофиқлиги, иш жойини аниқ меҳнат фаолиятининг хусусиятларига мос равишда оқилона ташкил этилиши билангина, меҳнат хавфсизлигини самарали таъминлаш мумкин. Бунга риоя қилмаслик ишлаб чиқаришда ходимга шикаст етказиши мумкин.

Гипотетик равишда ҳар 10-30 мингта хавfli ҳолатларда ёки иш жойидаги меҳнат шароитида муайян шароитлар ходимнинг ўлимига олиб келиши мумкин, шунинг учун хавfli омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий хавфни аниқлаш учун уларни баҳолаш керак. Шу мақсадда, биринчи навбат-

да, реал хавф туғдирадиган ишлаб чиқариш омилларини аниқлашга имкон берадиган иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиш натижаларидан фойдаланиш керак.

Иқтисодий усул ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишдан келиб чиқадиган иқтисодий зарарни аниқлашдан, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига маблағ ажратиш учун бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган харажатлар самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Шикастланишларни таҳлил қилишнинг анъанавий усуллари билан бир қаторда меҳнат хавфсизлиги шароитларини ўрганиш ва ишлаб чиқариш жароҳатларининг олдини олиш учун характерли бўлган баъзи янги йўналишларни таъкидлаш мумкин.

Меҳнат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилишнинг тизимли ёндашуви ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида меҳнат шароитларига таъсир этувчи омилларнинг тўлиқ тўпламини ўрганишни ўз ичига олади. Бундай ҳолда, юқорида муҳокама қилинган усулларни бирлаштирган мураккаб тадқиқот усуллари қўлланилади. Масалан, индивидуал бахтсиз ҳодисаларни узоқ вақт давомида монографик ўрганиш натижалари статистик таҳлил учун ишлатилиши мумкин.

Шикастланишларнинг объектив характеристикалари анча-мунча кўрсаткичларни ўрганиш асосида аниқланади, уларнинг ўлчами (миқдори) бир вақтнинг ўзида турли хил комбинацияларда ишлайдиган кўплаб омиллар таъсири остида шаклланади. Шу сабабли, ишлаб чиқаришдаги жароҳатлар моделларининг аналитик хулосаси, ҳодиса сифатида, фақат математик статистика методлари тўпламидан фойдаланган ҳолда мумкин бўлади.

Шикастланишнинг асосий кўрсаткичларига бир нечта омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш, шикастланиш кўр-

саткичлари ва омиллари ўртасидаги боғлиқликнинг хусусиятини аниқлаш учун, масалан, дисперсия ва корреляцион таҳлил усуллари қўлланилади.

Сўнгги йилларда меҳнат хавфсизлигини **илмий башорат қилиш усули** қўлланила бошланди. Бу жароҳатлар динамикасини эҳтимолий баҳолаш, янги тармоқлар, технологияларнинг ноқулай омилларини башорат қилиш ва улар учун хавфсизлик талабларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (ССБТ) технологик жараёнлар ва жиҳозларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва ишлатиш босқичида уларнинг хавфсизлигини ҳар томонлама баҳолаш методологиясини ишлаб чиқишни назарда тутади.

Замонавий ишлаб чиқариш меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг ўзига юқори талабларни қўяди. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва бошқариладиган объект ўртасидаги маълумот алмашиш шакли, унда ноҳуш тенденциялар пайдо бўлганда, ишлаб чиқариш жараёнида тезкор аралаштириш имкониятини таъминлаши керак.

Жароҳатланиш тўғрисидаги маълумотларни оператив ҳисобга олиш ва қайта ишлаш учун, қўлда ва машинада перфорация тизимлари, электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш мумкин.

Техник усулдаги таҳлил техник воситаларни (машиналар, механизмлар, кутқарув ускуналари, сигнализация) ҳисоблаш ва синовдан ўтказиш орқали энг хавфсизларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Шикастланишнинг иқтисодий кўрсаткичларини баҳолайдиган **иқтисодий усул**.

Бахтсиз ҳодисалар оқибатида корхона ва давлатнинг умумий кўрган зарарини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$Ик = X \text{ корх} + X \text{ бошқ} + O,$$

бу ерда **X корх** - авария билан боғлиқ корхонанинг харажатлари (асбоб-ускуналар, хомашёнинг нархи, иш ҳақи ва бошқалар);

X бошқ - авария билан боғлиқ бошқа ташкилотларнинг харажатлари (пенсия, путевкалар);

O - давлат томонидан олинмаган солиқлар.

Корхонанинг иқтисодий йўқотишларининг бахтсиз ҳодисалар сонига, меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сонига ва жабрланганларнинг ўртача иш ҳақига боғлиқлиги қуйидаги формула билан ифодаланиши мумкин:

$$\mathbf{X\ корх} = (0,6\mathbf{T} + 1,28\mathbf{K}) \mathbf{B} + 8\mathbf{T}\mathbf{B},$$

бу эрда **K** - кунлик меҳнатга лаёқатсизликнинг умумий давомийлиги;

T - йилига бахтсиз ҳодисалар сони;

B - жабрланганларнинг ўртача кунлик иш ҳақи сўмда.

БАХТСИЗ ХОДИСАЛАРНИ САБАБЛАРИ

Бахсиз ходисалар — режалаштириб бўлмайдиган ҳамда мол-мулк ва ишлаб чиқарилган махсулотга зарар етказилшига, одамларни шикастланишига ва уларнинг ўлимига олиб келадиган воқеалар.

Бахтсиз ходисанинг сабабларини англамасдан ушбу ходисанинг олдиди олиш ниҳоятда кийин бўлади.

Бахтсиз ходисалар омиллари ни ўрганиш жараёнда қуйидагилар аниқланди. Бахтсиз ходисаларни сабаблари икки қисмга бўлиш мумкин, биринчиси “**тўғридан-тўғри**”, иккинчиси эса “**ёрдам берувчи**” сабаблар.

Бахтсиз ходисанинг тўғридан-тўғри сабабларига қуйидагилар киряди — ходимнинг нотўғри харакатлари ва иш жойдаги хавфли шарт-шароитлар. Бахтсиз ходисанинг ёрдам берувчи сабабларига эса — бошқариш тизимининг хатолари, агроф-мухит, ходимнинг ақлий ва руҳий ёки жисмоний ҳолати.

Бахтсиз ходисаларнинг тўғридан-тўғри ва ёрдам берувчи сабаблари, хиллари ва уларни оқибагларининг таснифи (классификацияси)



Хўлоса: Бахсиз ходисанинг рўй бериши (юзаса келиши)га юқориди кўрсатилган сабабларнинг ўзаро ўйгун бирикмаси сабаб бўлади.

АЙРИМ ТУШУНЧАЛАР ТАЪРИФИ

меҳнатни муҳофаза қилиш – меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақла-нишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-про-филактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

иш қобилияти – инсоннинг талаб этиладиган вақт ора-лиғида топширилган сифатида ишнинг аниқ миқдорини бажариш қобилиятини тавсифлайдиган организмнинг физиологик ва психологик функциялари имкониятлари билан белгилана-диган инсоннинг ҳолати;

иш ўрни – ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида до-имо ёки вақтинча бўлиш жойи;

меҳнат шароитлари – меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитлари – зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимга таъсири истис-но этиладиган ёхуд уларнинг таъсири даражаси белгиланган нормативлардан ортиқ бўлмаган меҳнат шароитлари ҳолати;

ишлаб чиқариш фаолияти – маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрса-тиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқариш муҳити – меҳнат фаолияти жараёни-да ходимга таъсир кўрсатувчи кимёвий, биологик, физик ва ижтимоий омилларнинг йиғиндиси;

зарарли ишлаб чиқариш омили – таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари – зарарли ишлаб чиқариш омилининг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили-нинг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили – таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

жамоавий ҳимоя воситалари – тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

шахсий ҳимоя воситалари – ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

меҳнатда майиб бўлиш – ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

касб касаллиги – ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги.

МУНДАРИЖА

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириб, таҳлил этишга оид Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тавсиялари	3
Текшириш ўтказишнинг асосий вазифалари	16
Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш юзасидан тавсиялар	43

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириб, таҳлил этишга оид

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАВСИЯЛАРИ

Мухаррир *Ахтам Рўзимуротов*
Бадий муҳаррир ва
техник муҳаррир *Дилмурод Жалилов*
Саҳифаловчи *Мадина Абдуллаева*
Мусахҳих *Нигора Ғаниева*

Нашриёт лицензияси № 955129. 22.02.2021.
2021 йил 23 апрелда босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 4 шартли босма табок. 4,5 нашр табоғи.
Адади 1000 нусха. 3-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида

Оригинал макет ZARVARAQ NASHRIYOTI нашриётида тайёрланди.
Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 23-мавзе, 8-уй 27-хонадон

“ZAKOVAT-PRINT” ХК босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. 3. Розий кўчаси, 24-уй.